

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"

**"PERFECT INSURANCE" акциядорлик
жамияти суғурта ташкилоти
Ягона акциядорининг
2023 йил 5 июндаги қарори билан**

**Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**



Умумий йиғилиш раиси

3. Усманов

2023 йил "05" июн 5-сон



Вазир ўринбосари

2023 йил "4" июль № 0957-2-сон

М.Ў.

**"PERFECT INSURANCE" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ СУҒУРТА
ТАШКИЛОТИНИНГ ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚАРОРИ**

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	2	P	0	9	5	7	W	8
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал киймати 5 000 сўм бўлган 437 500 (тўрт юз ўттиз етти минг беш юз) дона
эгасининг номى ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Мазкур чиқаришдаги акциялар ёпик обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши иккинчи чиқарилишдир.

Жамиятнинг Ягона акциядорининг 2023 йил 05 июндаги умумий йиғилиши 5-сонли
қарорига асосан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ва тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулокот телефонлари ва электрон
почта манзили: 100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Нукус кўчаси, 91/1-уй, БЛ-А. Телефон: (+99878) 150-50-55, электрон почта манзили:
info@perfectins.uz.



Эмитентнинг раҳбари

Бош бухгалтер в.б.:

С.Ш. Шарипов

Ж.Р.Рахимжонов

Сана: 2023 йил 7 июнь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 5 000 (беш минг) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 437 500 (тўрт юз ўттиз етти минг беш юз) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 2 187 500 000 (икки миллиард бир юз саксон етти миллион беш юз минг) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: Жамиятнинг акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26-27 ва моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол - мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноτιжорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш;

Акциядор қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5-кун (бешинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан "PERFECT INSURANCE" акциядорлик жамияти сугурта ташкилоти акциядорига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 35 000 000 000 (ўттиз беш миллиард) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 7 000 000 (етти миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5-кун (бешинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан "PERFECT INSURANCE" акциядорлик жамияти сугурта ташкилоти акциядорига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Мазкур чиқарилишдаги акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан

ўтказилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошланиш санаси – мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

Акцияларни жойлаштиришни тугаш санаси – ушбу чиқарилишнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмаган ҳолда биржадан ташқари уюшмаган бозорда амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги акциялар "PERFECT INSURANCE" акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти акциядорларига ёпик обуна усулида жойлаштирилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улутбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй, телефон: (+99871) 267-37-42, факс: (+99871) 267-36-94.

Ҳуқуқларни ҳисобга олган инвестиция воситачилари ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи – "Birinchī Banklargo Depozitariy" масъулияти чекланган жамияти;

Ташкилий-ҳуқуқий шакл: масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100047, Ўзбекистон г. Тошкент, ул. Истикбол, 15, телефон: (+99871) 233-29-07.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўллаш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдасининг бир қисми ҳисобидан бухгалтерлик балансида тегишли ўтказмалар орқали амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерлик балансида тегишли ўтказмалар орқали 10 (ўн) кун ичида қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва Жамият расмий веб-сайтида (www.perfectins.uz) эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй, БЛ-А манзилида танишни мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: кўзда тутилмаган.